

А Ж Р И М

(ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди 2023 йил 13 ноябрь куни, Шайхонтоҳур туманидаги “Илғор” м.ф.й биносида, сайёр суд мажлисида, судья Т.А.Обидовнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Бобоқуловнинг котиблигида, томонлардан давлат айбловчиси Шайхонтоҳур тумани прокурорининг ёрдамчиси М.Исоев, судланувчи А.Орифжонов ва унинг ҳимоячиси “Legal Consultant FBJ” адвокатлик бюроси адвокати Ф.Жалилова ҳамда жабрланувчиларнинг қонуний вакили Н.Азимованинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумонланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси талабларига асосан судга берилган

23.01.1994 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, “Проф Кос” МЧЖда мутахассис бўлиб ишлайди, оилали, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Жарариқ МФЙ, Соё Гузар 2-тор кўчаси, 10-уйда истиқомат қилувчи **Орифжонов Алишер Зокиржон ўғлига**

нисбатан 1-1003-2301/815-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

А.З.Орифжонов 2023 йил 9 сентябрь куни соат тахминан 12:30 ларда, давлат рақами 01 Z 798 ОВ бўлган “Ласетти” русумли автоуловини Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Жарариқ кўчаси бўйлаб, Белтепа кўчаси томондан, Жангоҳ кўчаси томонга бошқариб, “Шинам” тўйхонаси қаршисига етганда амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 4-банди, 12-банди ҳамда 77-банди 1 ва 3-қисмлари яъни «йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларнинг ҳаракатланишига хавф



туғдирмасликлари керак», «хайдовчи йўл ҳаракати хавсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариб», ва «Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак ва ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак» деб кўрсатилган талабларга риоя қилмасдан, рул бошқарувини йўқотиб, йўлни ўрта қисмидаги бетон тўсиққа бориб урилганлиги оқибатида “Ласетти” русумли автоулов ичида бўлган вояга етмаган 2007 й.т Азимов Алиакбар Аброр ўғли ва 2018 й.т Азимов Мухаммадюсуф Аброр ўғли тан жароҳати олишган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 21 сентябрь кундаги №6854-сонли хулосасига кўра вояга етмаган Азимов Мухаммадюсуф Аброр ўғли мазкур йўл-транспорт ҳодисаси натижасида “Оғир” даражадаги тан жароҳатлари олганлиги аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 21 сентябрь кундаги №6851-сонли хулосасига кўра вояга етмаган Азимов Алиакбар Аброр ўғли мазкур йўл-транспорт ҳодисаси натижасида “Ўртача Оғир” даражадаги тан жароҳатлари олганлиги аниқланган.

Судда судланувчи А.Орифжонов ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрор эканлигини, 2023 йил 9 сентябрь кuni соат тахминан 12:30ларда, бошқарувидаги “Ласетти” русумли, давлат рақам белгиси 01 Z 798 ОВ бўлган автомобилни Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги Жарариқ кўчаси бўйлаб, Белтепа кўчаси томондан, Жангоҳ кўчаси томонга ҳаракатланиб бориб, “Шинам” тўйхонаси қаршисида рул бошқарувини йўқотиб, йўлни ўрта қисмидаги бетон тўсиққа бориб урилганлиги, шунда автоулов ичида бўлган жиянлари А.Азимов ва М.Азимовлар тан жароҳати олишганлигини, шундан сўнг,



уларни дархол шифохонага олиб борганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчиларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги ва жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини айтиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Судда жабрланувчиларнинг қонуний вакили Н.Азимова ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2023 йил 9 сентябрь куни соат тахминан 12:30 ларда укаси А.Орифжонов бошқарувидаги “Ласетти” русумли, давлат рақам белгиси 01 Z 798 ОВ бўлган автомобилида Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги, Жарариқ кўчаси бўйлаб, Белтепа кўчаси томондан, Жангох кўчаси томонга ҳаракатланиб бориб, шу кўчада жойлашган “Шинам” тўйхонаси қаршисига етган вақтларида А.Орифжонов рул бошқарувини йўқотиб йўлни ўрта қисмидаги бетон тўсиққа бориб урилганлигини, натижада автоуловда бўлган фарзандлари А.Азимов ва М.Азимовлар тан жарохати олишганлигини, А.Орифжонов уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, шифохонага олиб борганлигини, ҳозирда судланувчи А.Орифжоновга нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир таъзиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушунганлиги маълум қилиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Дастлабки тергов органи томонидан, А.Орифжоновнинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиниб, жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан судга юборилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида ушбу Кодекс

266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқроор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида жабрланувчи Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида назарда



тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича айбланувчи билан ярашган тақдирда, жиноят иши суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмай тугатилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Суд жабрланувчиларнинг қонуний вакили Н.Азимова ва судланувчи А.Орифжоновнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, давлат айбловчиси М.Исоев ва ҳимоячи Ф.Жалиловаларнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчи А.Орифжоновнинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчилар ва судланувчига бирон-бир таъзиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, А.Орифжоновга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Суд жабрланувчиларнинг қонуний вакили Н.Азимовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишларини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585, 586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан **Орифжонов Алишер Зокиржон ўғлига** нисбатан жиноят иши томонлар ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчиларнинг қонуний вакили Н.Азимовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисми талаблари тушунтирилсин.



Ажрим устидан у чиқарилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда шу суд орқали Тошкент шаҳар судига хусусий шикоят ёки хусусий протест берилиши мумкин.

Раислик этувчи

Т.А.Обидов

Маъсул судья: Обидов Толибжон Авазхонович

